

Махфуза АЛИМОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш
UNESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди
mahfuzaalimova@iia.uz

ДИНЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИ

ИСТОРИЧЕСКИЙ ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА В ОБЕСПЕЧЕНИИ МЕЖРЕЛИГИОЗНОГО СОГЛАСИЯ

UZBEKISTAN'S HISTORICAL EXPERIENCE IN PROVIDING INTER-RELIGIOUS CONSENT

Аннотация: Бугунги кунда ёшлар тарбиясида динлараро тотувликни таъминлаш билан боглиқ масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбек халқи тарихий мураккаб жараёнларни бошқа динлар вакиллари билан биргаликда бошидан кечирар экан динлараро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўплаб борди ва динлараро тотувликлик ўзбек маданияти ҳамда менталитетининг ажралмас қисмига айланди.

Таянч иборалар: дин, бағрикенглик, тотувлик, Ўзбекистон, тарих, яҳудийлик, христианлик, тажриба, Марказий Осиё, Истахрий.

Аннотация: Сегодня вопросы, связанные с обеспечением гармонии религии в воспитании молодежи, занимают важное место. По мере того как узбекский народ вместе с представителями других религий переживал сложные исторические процессы, накопленный большой опыт толерантности и согласия стал неотъемлемой частью узбекской культуры и менталитета.

Опорные слова: религия, толерантность, согласие, Узбекистан, история, иудаизм, христианство, опыт, Центральная Азия, Истахри.

Annotation: Today, issues related to ensuring the harmony of religion in the education of young people occupy an important place. As the Uzbek people, together with representatives of other religions, experienced complex historical processes, the accumulated vast experience of tolerance and consent has become an integral part of Uzbek culture and mentality.

Support words: religion, tolerance, consent, Uzbekistan, history, Judaism, Christianity, experience, Central Asia, Istakhri

Ўрта Осиё худудида қадим замонлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи халқлар яшаб келган. Турли мамлакатлар билан алоқаларнинг ўрнатилиши маҳаллий аҳоли диний ва маънавий ҳаётига, шунингдек, Мовароуннаҳрдаги урф-одатлар ҳам ўзга юртлар маданияти ривожига салмоқли таъсир кўрсатган. Бу эса диний бағрикенгликни шакллантиришдаги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Маънавий уйғонишимизнинг манбаи бўлиб хизмат қилаётган ўзбекона бағрикенглик, халқимизга хос этник, маданий ва диний сабр-бардошлиликнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Кўп миллатлар каторида яҳудийлар ҳам узоқ йиллардан бери Ўрта Осиё худудида яшаб келганлар. Абу Райхон Беруний, Абу Исҳоқ Истахрий, Абу Саид Гардизий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Ибн Хордодбех каби ўрта аср алломаларининг асарларида, шунингдек, Бениамин Тудельский, Ибн Батута, Сеймур Мэндвилл, Мамон Мағриби ва Ланселл каби машҳур сайёҳларнинг кундаликлари орқали минтақада яшаган яҳудийлар ҳақида тарихий маълумотларни олиш имкони мавжуд. Хусусан, Марвда мил.ав. IV асрдаёқ яҳудийлар яшаганлигини Эрк-қалъада топилган сопол идишдаги ёзуви тасдиқласа [1:8], Табарий Хоразмшоҳнинг айрим маслаҳатчилари “ахбар”лардан бўлганлигини қайд этган.

Беруний яҳудийлар, сурёнийлар ва насронийларни, жумладан, яҳудийларнинг тақвими, байрам кунлари, урф-одат ва маросимларини атрофлича ўрганган бўлса, Абу Исҳоқ Истахрий «Китаб масалик ал-мамалик» асарида Балхдаги “яҳудийлар дарвозаси” ва савдо марказлари ҳақида маълумот берган. Асрлар давомида ўзга дин вакиллариға нисбатан бағрикенгликда қаралганлиги, ўлкаға яҳудийларнинг Эрон, Афғонистон ва ҳатто Фаластиндан кўчиб келиб, бу ерда ўрнашишиға туртки бўлган [2:346].

Ибн Хўрдодбех Ўрта Осиё минтақасида яшаган, славян тилини билган маҳаллий савдогар яҳудийлар бўлгани ҳақида ёзади

[3:428]. Абу Саид Гардизий «Зайн ал-ахбор» номли тарихий-дидактик асарида яҳудийларни алоҳида ўрганиб, асарининг X бобини “Яҳудий байрамлари” ва XI бобини эса “Яҳудий байрамларнинг сабаблари” мавзуларига бағишлайди [4:10]. Ибн Батута “Саёҳатнома”сида: “Бузан (*Мовароуннаҳр султони (1335-1338)*) подшоҳ бўлиб олгач, носоролар ва яҳудийларга ўз ибодатхоналарини қуришларига рухсат берди”, деб қайд этади. Шунингдек, яна бошқа тарихий манбаларда Мовароуннаҳрнинг Бухоро, Хоразм, Самарқанд шаҳарларининг бой савдогар яҳудийлари, илк ўрта асрларда Фарғона водийсида (ҳозирги Джалалобод ҳудудида) “Яҳудлик” номли шаҳар бўлгани ҳақида айтилади [5:191]. Мазкур тарихий далиллар яҳудийларнинг Ўрта Осиёда узоқ йиллардан бери яшаб келаётганини кўрсатади.

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр минтақасига Эрондан кўпгина яҳудий жамоалари кўчириб келтирилган ва уларнинг бир қисми Бухорода яшаган. Ушбу даврда ҳудуддаги христиан жамоалари ҳам сақланиб қолган ва ўзларининг диний марказларидан ажралиб, узоқлашиб қолганликларига қарамай, минтақада ўз мавқеларини узоқ вақт эгаллаб турганлар [7:21].

Марказий Осиё яҳудийлари ва христиан жамоалари минтақа аҳолиси билан шу даражада уйғунлашиб кетганларки, уларнинг сўзлашуви (шеваси), кийими, овқати, урф-одатлари, мусикий маданияти ва яшаш тарзида минтақа аҳолисига хос элементлар пайдо бўлган. Тарихий мураккаб жараёнларни халқимиз бошқа динлар вакиллари билан биргаликда бошидан кечирар экан динлараро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўплаб борган.

XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган ночор аҳволдаги ўзга дин ва миллат вакиллари мусулмон аҳоли ҳар томонлама ёрдам кўрсатгани ҳақида ҳам тарихий далиллар мавжуд. Ушбу маълумотларда маҳаллий аҳоли бечора кўчманчиларга ҳамдардлик билан меҳрибонлик кўрсатмаганда, уларнинг кўпчилиги очарчилик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эди, деб айтилади [8:43]. Юртимизда ўзга динларга нисбатан сабр-бардошлилик, тушуниш, инсонийлик жиҳатдан ёрдам кўрсатиш

каби бағрикенгликка тарихдан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу ўринда Абу Наср Форобийнинг: “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига бирлашганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”, – деган фикрлари буюк файласуфнинг ижтимоий ҳамкорликни жамият тараққиётини таъминловчи омиллардан бири, деб ҳисоблаганини англаш имконини беради [9:186].

Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Дин одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Жаҳондаги барча йирик динлар бу дунёни фоний, ўткинчи деб ҳисоблайдилар. Улар инсоннинг яшашдан асл мақсади – бу дунёда хайрли, савоб ишлар қилиб, боқий дунё синовларига тайёргарлик кўриш деган ғояни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш ўз аксини топган. Диний манбалар одам ўлдирмаслик, ўғрилиқ қилмаслик, ёлғон гувоҳлик бермаслик, одамлар орасини бузмаслик каби инсонпарварлик ва бағрикенгликка ундовчи ғояларни тарғиб қилади.

Диний бағрикенглик виждон эркинлиги ва маънавий жиҳатдан катта аҳамият касб этади, у бошқа шахс ёки динга ҳурматни билдиради. У турли дин ва конфессия вакиллари эътиқодида хилма-хил ақидавий фикрлар бўлишига қарамасдан, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшабини тақозо этади. Ҳар қандай кўпмиллатли, кўп динли давлатда миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро ҳамкорлик, жамиятдаги барқарорлик ва тараққиётга мустаҳкам замин яратувчи, унинг истиқболини белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади. Ўзбекистон диний бағрикенглик ва динлараро мурося борасида олиб борилаётган ишлар нафақат МДҲ давлатларига, балки бутун дунёга намуна бўлмоқда. Албатта, халқимизга азалдан хос бу хислат бир зумда пайдо бўлган эмас, у узоқ тарихга эга.

“Республикада толерантликни мустаҳкамлаш борасида христиан конфессиялари,

айниқса, православлар аҳолида диний бағрикенглик маданиятини камол топтириш йўлида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келмоқдалар. Жамиятда динлараро низо ва мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган миссионерлик ҳаракатларининг олдини олишда фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг халқаро анжуманлардаги маърузалари дунё жамоатчилигини мамлакатимизда эътиқод эркинлиги ҳамда миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашда амалга ошириладиган ислохотлардан бохабар қилмоқда” [10:23].

Дунёда содир этиладиган низоларнинг аксарияти миллий ва диний ёки ирқий асослардан келиб чиққан фуқаролик урушларидир. Бу каби можароларнинг келиб чиқиши ва ҳозирги кунга қадар давом этиб, ҳал этилмаётгани миллатлар ва динлараро муносабатларни ҳамда унинг назариясини тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасидир. Республикамиз аҳолисининг миллий қиёфаси нафақат Шарқ балки Ғарб цивилизациясига мос келадиган умуминсоний тамойиллар, анъана ва урф-одатлар, турли динларга эътиқод, ранг-баранг турмуш тарзидан иборат маънавий мезонларни ўзида акс эттиради. Ушбу ижобий ҳолат кўп йиллар мобайнида турли миллат ва дин вакиллари ўртасида мurosасиз кураш тўхтамаётган Яқин Шарқ, Ироқ, Сурия ва бошқа ҳудудларда этник ҳамда диний қарама-қаршиликлар минтақавий можароларнинг авж олишига манба бўлиб хизмат қиладиган давлатлар учун намуна бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кўплаб тарихий манбалар Ўзбекистон – илк диний қараш ва тасаввурлар юзага келган энг қадимий ўлкалардан бири эканидан далолат беради. Ушбу ҳудудда қадим замонларданок зардуштийлик, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик каби мураккаб идеологик тизимга эга динлар тинч-тотув фаолият олиб борганлар.

Мамлакатимиз тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш, миллий ва диний кадрларни тиклаш жараёнлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Муҳими, мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларни уйғунлаштиришда орттирилган ўзига хос тажриба жаҳон ҳамжамяти томонидан эътироф этилмоқда.

Динлараро тотувлик ва бағрикенглик ўзбек маданияти ҳамда менталитетининг ажралмас қисмига айланди. Ўзбекистонда динлараро тотувлик борасида олиб бориладиган сиёсат демократик ўзгаришларни ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга, жамиятда миллатлараро ва динлараро аҳилликнинг сақланишига имкон берди. Бу тажрибаларни атрофлича тадқиқ қилиш ҳамда Ўзбекистоннинг ютуқларини жаҳон ҳамжамяти олдида тарғиб этиш мамлакатимиз учун ҳам катта аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ртвеладзе Э.В. Еврей-иудаисты в доисламской Средней Азии // Евреи в Средней Азии: вопросы истории и культуры. – Т.: Фан, 2004. – С. 8.
2. Тураева О. Бухоро яҳудийларнинг тадбиркорлик фаолияти (XIX аср ўрталари ва XX аср бошлари) // “Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар” Республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллар тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 346-347.
3. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран // перевод с араб. Велиханова Н. – Баку: Эльм, 1986. – 428 с.
4. Гардизи Абу Саид. Зайн-ул-ахбар. // Перевод Арендса А.К. – Т.: Фан, 1991. – С. 10.
5. Seymour M.C. ed. Mandeville's Travels. - Oxford: Clarendon Press, 1967. - P. 191—194.;
6. Тудельский В. Три еврейских путешественника/ пер. Марголин П. В. - М.: Мосты культуры, 2004.
7. Мухаммедов Ш. Бухарские евреи. - Бухоро, 2007. – Б. 21.
8. Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. – Т.: 2000. – С. 43.
9. Абу Наср Фиробий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий, 1993. – Б. 186.
10. Ибрагимов Э.Ф. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни: Тар.фан.номз. ... дисс. автореф. – Т.: ТИУ, 2010. – Б. 23.